Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 134 (9.631) 2001 йил 16 ноябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

**БУГУН**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан Қозоғистонга расмий ташрифи бошланди.

Икки кунлик ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## Ташкилий қўмита йиғилиши




Ўзбекистон Конституцияси, мана тўққиз йилдирки, Ватанимизнинг тараққиёти, халқимизнинг ҳуқуқий, маданий, маънавий камолотининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бош Қонунимиз дунёдаги энг демократик, адолатли Конституциялардан бири сифатида нафақат мамлакатимизда, балки халқаро экспертлар томонидан ҳам тўла эътироф этилган. Уни ўрганиш, унга риоя этиб яшаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Шу боис 2001 йилнинг январида Президент Ислом Каримов Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисида махсус Фармойиш қабул қилди. Айни пайтда бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни кенг нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши қабул қилинди. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кунни кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Ҳ. Кароматов бошқарди.

Тегишли вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларига 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни жойларда муносиб нишонлаш, маданий-маърифий тадбирлар белгилаш, байрамнинг кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш борасида зарур топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*МУРУВВАТ*

## Меҳнат инсонни улуғлайди

**Дарҳақиқат, шундай — меҳнат инсонни улуғлайди. Бу сўзнинг нақадар тўғрилигига бизнинг ўзбек заминимизда доимо гувоҳ бўлиб келмоқдамиз.**

Куни кеча Сергели тумани ҳокимлигида ўзига хос учрашув бўлиб ўтди. Уруш ва меҳнат ногиронлари, «Меҳрибонлик» жамиятининг аъзолари унинг иштирокчилари бўлишди. Жаҳон ногиронлар куни муносабати билан уюштирилган бу учрашувнинг ташаббускори Алишер Исмоилохунов сардорлик қилаётган йўналишли такси ҳайдовчиларининг бригадаси бўлди.

— Алишер бизнинг ҳузуримизга ана шундай таклиф билан келганида нафақат унинг ушбу таклифини қўллаб-қувватладик, балки бизлар ҳам бутун саъй-ҳаракатларимизни шу ишга қаратишга қарор қилдик, — дейди Сергели тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси Баҳодир Қурбонов. — Ундан тадбирга тўпланганлар мамнун бўлишди.

Байрамона тузалган дастурхон атрофига юздан зиёд киши тўпланди. Туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими, туман ижтимоий таъминот бўлими, «Меҳрибонлик» жамиятининг вакиллари уларни табриклагани келишди. Шу куни меҳмонлар шаънига самимий дил сўзлари изҳор этилди. Тўпланганлар туманда ижтимоий ҳимоя дастури доирасида олиб борилаётган катта ҳажмдаги ишлардан воқиф бўлдилар. Одатимизга кўра, дастурхонларга ош тортилди.

— Бригадамиз кенгашида биз ёлғиз, кексайиб қолган кишиларга ҳайдовчиларимизни бириктириб қўйишга қарор қилдик, — дейди Алишер Исмоилохунов. — Токи бу кишилар ўзларининг жамиятга керакли эканликларини доимо ҳис этиб турсинлар.

Учрашув якунида барча ногиронларга совға-саломлар улашилди, улар уйларига ғизиллаб борадиган машиналарда элтиб қўйилди.

**(Ўз мухбиримиз).**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

◆ **БУГУН** Миробод туманидаги «Қорасув» уй-жой қурилиш банкида туман ҳокимлиги ҳамда Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуида тадбир ўтказилди.

◆ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулзор» маҳалла гузарида маҳалла аҳли иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Тинчлик учун курашмоқ зарур» деб номланди.

◆ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги Солиқ идорасида туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуида тадбир ўтказилди.

◆ **БУГУН** шаҳримиздаги 30-мактабда ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар иштирокида Ҳамза тумани Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан бўлиб ўтган семинар «Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт» деб номланди.

◆ **БУГУН** мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чилонзор туман бўлимида ўтказилган «Маънавият ва ҳуқуқий маданият» мавзуидаги тадбирда туман Маънавият ва маърифат маркази вакиллари ҳам иштирок этишди.

◆ **БУГУН** Бектемир туманидаги «Иргидромаш» корхонасида бўлиб ўтган мазкур корхона бошланғич хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги йиғилишида Оналар ва болалар йилида «Она ва бола» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича хотин-қизлар қўмитаси томонидан бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама этилди. Шунингдек, **БУГУН** Бектемир тумани ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитасининг 2-конференциясига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

◆ **ЎРТА** махсус касб-ҳунар таълим марказида шаҳримиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари иштирокида бўлиб ўтган семинар ўқитиш тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда педагогларнинг малакасини ошириш масаласига бағишланди.

◆ **БУГУН** «Ўзсавдокўргазма» мажмуида уч кундан бери давом этаётган «Дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари» 2-ярмаркаси ўз ишини якунлади.

◆ **ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон коммунал хизмати агентлиги ташаббуси билан «Мулоқот» клуби ташкил этилди.

◆ **СОБИР** Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саховати туфайли «Қуёнча Челенжер ва унинг саргузаштлари» китоби тақдим этилди.

◆ **2-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейда талабаларнинг академик Малика Абдуллахўжаева билан учрашуви ўтказилди.

ОБУНА-2002 ● ОБУНА-2002

## «Оқшом» — доимий ҳамроҳингиз, дилкаш суҳбатдошингиз

*Чиндан ҳам шундай, қадрли «Оқшом» муштарийлари. Шу кунларда ўзингиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим ҳам энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган. Буни шу кунларда таҳририятга йўллаётган дил сўзларингиздан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган меҳр-муҳаббатингиз, садоқатингиз учун сизларга самимий ташаккур билдирган ҳолда, шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетага обуна расмийлаштирилаётганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз.*



*«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг пойтахтида, жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни тезкор усулда ёритади, ўзингиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади. Шундай экан, вақтни бой бермай севимли газетангизга обуна бўлишга шошилинг. Шундай қилсангиз 2002 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Сўзимизни мухтасар этар эканмиз «Оқшом»нинг нашр кўрсаткичи 209 эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз.*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Буюк Британия мудофаа вазири Жефри Хунни қабул қилди. Мулоқот чоғида минтақадаги вазият, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини, жумладан, ҳарбий-техникавий соҳада ҳам янада мустаҳкамлашга қаратилган масалалар муҳокама этилди.

● Олий Мажлисда «Ўзгаришларни бошқаришда халқ депутатлари кенгашларининг ўрни» туркумида навбатдаги семинар бўлиб ўтди.

● Микроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида идоралараро кенгаш йиғилиши бўлди. Унда қиш мавсумида аҳолини дори-дармон билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

● Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Корея ҳукумати мамлакатимизга 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инсонпарварликка йўналтирилган кўмак кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ рассомлари, Ўзбекистон Бадиий академияси академиклари, давлат мукофотлари совриндорлари — Малик Набиевнинг 85, Раҳим Аҳмедовнинг 80 ҳамда Рўзи Чориевнинг 70 ёшлик юбилейларига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Миллий университетида Покистоннинг буюк шоири, давлат арбоби, аллома Муҳаммад Иқбол таваллудининг 124 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, «Ўзтелерадиокомпания», оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорликда энг яхши бадиий асарларнинг «Истиқлол тонги» танловини эълон қилган эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида танлов ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7 ноябрдаги 622-Ф сонли фармойишига асосан кечадан бошлаб то 15 декабргача бўлган бир ойлик муддат давомида республикамизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтади.

### Жаҳонда

● Буюк Британиянинг Дардфорд шаҳрида кураш бўйича иккинчи бор халқаро, анъанавий «Ислом Каримов» турнири ниҳоясига етди. Шу муносабат билан Британия Кураш Ассоциацияси Президенти Тимоти Томас Кураш бўйича Ислом Каримов иккинчи турнири иштирокчилари ва ташкилотчиларининг Халқаро Кураш Ассоциациясининг Фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига табрик мактуби йўллади.

● ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, кеча АҚШ ва Россия раҳбарлари «Ҳамкорликдаги ҳаракат режаси» деб номланувчи навбатдаги ҳужжатни ҳам имзолашган. Би-би-синг хабар беришича, Оқ уй раҳбари Россия Президенти билан бу галги учрашувида узоқ суҳбатлашгани ва Афғонистондаги Шимолий иттифоқ кучларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш борасида якдил фикрга келишганлигини билдирган.

● Кеча Афғонистон етакчиларидан бири Бурҳониддин Раббоний узоқ танаффусдан сўнг Кобулдаги ўз қароргоҳига келган. У шу куннинг ўзидаёқ мамлакатда авфи умумий эълон қилган ва афғон халқини бирдамликка чақириб, мамлакатдаги сиёсий куч ва этник гуруҳларни БМТ шафелигида кенг қамровли янги ҳукумат тузишга даъват этган.

● Кеча Афғонистондаги Шимолий иттифоқ намояндалари мамлакатни вақтинчалик ҳукумат эмас, балки ҳозирча ҳарбий кенгаш бошқаради, дея баёнот берди.

● Кеча Ғазо ҳудудида фаластинликлар билан Исроил ҳарбийлари ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувда бир киши ҳалок бўлди, 20 нафар киши эса оғир тан жароҳати олган.

● Кеча Хитой шимолий шарқида автобусдан чиққан ёнғин туфайли 12 киши ҳаётдан кўз юмди.

● «Ал-Қоида»нинг Кобулдаги офисидан ядро бомбаси тасвири ва схемаси топилди. Британиянинг «The Times» газетасининг хабарига қараганда, халқаро террорчи ташкилот «Ал-Қоида» ихтиёрида ядро бомбаси яратиш учун зарур чизма мавжуд бўлган. Чала ёнган ҳужжатлар араб, немис, инглиз ва урду тилларида битилган бўлиб, уларда ракета қурилмаси, бомба ва ядро зарядларининг муфассал тавсифи келтирилган.

# МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

**№3 Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг саҳифаси**

## *Хайрли ишни ҳар ким қилмоғи керак*

Ҳозирги кунда давлатнинг демократик асосларини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришини кенг йўлга қўйишда маҳалла фуқаролар йиғинлари алоҳида роль ўйнамоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида уларнинг иш фаолиятлари янада ортди. Биз буни Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалла фуқаролар йиғини мисолида кўришимиз мумкин. Кам таъминланган оилаларга ёрдам пулини тайинлашда фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган комиссия аъзолари адолатли иш юритгани сабабли, уйма-уй юриб ёрдамга муҳтож оилалар аниқланиб, уларнинг ҳар бирига 5100 сўмдан нафақа тайинланди. Низомга кўра фақат кам даромадли 50 дан ортиқ оилаларнинг вояга етмаган ўғил-қизларига ёрдам пули берилмоқда.

Маҳаллада ёшларнинг спортнинг айниқса футбол тури билан шуғулланишига катта эътибор қаратилмоқда. 30 ёшлилардан тузилган футбол командаси маҳаллалар орасида ўтказилган мусобақада II ўринни, 15 ёшгача бўлган ўсмирлар I ўринни қўлга киритди. Ўсмирлар ўртасида Наманган шаҳрида республика биринчилиги учун ўтказилган таэквандо мусобақасида Шавкат Тўлабоев ўз вазни бўйича чемпионликни қўлга киритди. Ўсмирларнинг Наманганга бориб-келишига ва футболчиларни кийим билан таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғини ҳомийлик қилди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган 230-мактабнинг замонавий спорт мажмуасида болалар турли спорт тўгаракларига қатнашиб, ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

Фуқаролар йиғини раисининг саъй-ҳаракати натижасида маҳаллада ҳамма шароитга эга гузар қад кўтарди. Ҳозир гузарда сартарошхона, китоб дўкони, қариялар чойхонаси ишлаб турибди. Никоҳ тўйлари, юбилей кечалари, суннат тўйлари, шунингдек турли маъракаларнинг гузарда ўтказилиб туришидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Маҳаллада қисқа муддат ичида 14 кўчага оқава сув қувурлари ўтказилиб, асфальтланди, кўчалар ободонлаштирилди.

Маҳалла посбонлари сардори Азимов бошчилигида Тоҳир Шокиров, Алижон Собиров, Марат Рафиқов, Ўткир Дадажонов каби посбонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли маҳалла аҳли тинч ва хотиржам ҳаёт кечирмоқда. Бегоналар уларнинг нигоҳидан четда қолмайди. Шу кунгача посбонлар икки мартадан барча уйларни кузатувдан ўтказишди.

Истиқлол шарофати ила маҳаллада турмуш маданияти юксалмоқда, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланмоқда. Ўтганлар ёдга олиниб, зиёратгоҳлар ободонлаштирилмоқда. Маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлиги, уюшқоқлиги эса эришаётган ютуқларнинг бош омили бўлмоқда.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ**



*ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН*

## Меҳри билан азиз

**— «Сизни Она десам майлими», дейди Сирғали туманидаги 6-Қўйлиқ даҳаси, Убай Маҳмудов маҳалласида яшовчи Мадина Муҳиддинова ували-жували онахон Раънохон аяга. Зеро сиздек улуғ оналар билан олам мунаввар, аёл зоти муаззамдир.**

— ...Янги асрнинг дастлабки кунлари етти ёшлик қизим Дилафрўз билан Қўйлиқ деҳқон бозоридан хонадонимиз томон пиёда кетардик, — ҳикоя қилади Мадинахон. — Манзилгача ҳали анча юришимиз керак эди. Кун ҳам ғира-шира бўлиб қолган. Ўзим узоқни яхши кўра олмайман. Шу кез қизчам чопқиллаб кетаётиб ногаҳон қоқилди-ю «Вой, ойижон!» дея чинқириб йиғлаб қолди. Мен ваҳимага тушиб, қизимни кўтармоқчи бўлдим. Аммо қизим янада қаттиқроқ йиғларди.

Қизимнинг ўнг қўли синибди. Нима қилишга ҳайронман. Шу пайт бир енгил машина ҳайдовчиси ҳолатимизни кўриб тўхтаб, ёнимизга келди.

— Қизчани дарҳол шифохонага олиб бориш керак! — деди у.

Мен эса йиғини авжига чиқараман. Ҳайдовчи менга танбеҳ берган бўлдию дарҳол қизчамни эҳтиётлаб, эъзозлаб республика шикастланган хасталикларни даволаш шифохонасига олиб борди. Шифокорлар керакли муолажаларни қилдилар. Соат миллари тунги ўн бирни кўрсатди ҳамки, ҳайдовчи қизчамнинг қўли оғриғи қолгунча палатадан кетмади. У Дилафрўзни овутиш учун музқаймоқ, шоколад ва яна қоғозга ўралган алланарсаларни ташлаб, «Эртага келаман», дея чиқиб кетди.

Ўзим водийликман. Турмуш ўртоғимнинг ишлаш учун олис юртга кетганига ҳам уч ой бўляпти. Шундай оғир пайтда нотаниш кишининг меҳрибонлик кўрсатиши қалбимни тоғдек кўтарди.

Ҳайдовчи эрта тонгда яна сумкада овқат, ширинлик ва ичимликлар ҳамда кичкинагина қўғирчоқ олиб келди. Мен бу сафар ҳайдовчидан жуда ҳижолатда эдим. Қизчам эса кеча у олиб берган музқаймоқ ва шоколадидан баҳра олиб, нотаниш амаки билан яқин танишлардек саломлашди.

Мен «сиз кимсиз?», дея сўрайман ундан. У эса «Яхши кишиларнинг фарзандиман, исмим Улуғбек», деган жавоб билан кифояланади.

Хуллас, қизим даволанган икки ҳафта давомида шифохонадан Улуғбек аканинг қадами узилмади.

Қизим касалхонадан чиқгач меҳру саховатга тўлиқ Улуғбек аканинг хонадонида бўлиб у кишининг ота-оналари — Шарифбилло ота ва Раънохон аялар билан танишдим. Шарифбилло ота ва Раънохон ая уч фарзандни. — Сурайёхон — араб тили ўқитувчиси, Улуғбек — «Олтин бошоқ»дон ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари, Отабек — Чилонзор туман ҳокимлигининг ходимини тарбиялаб, жамиятга фойдали инсонлар қилиб етиштирган эканлар.

Раънохон ая 61 ёшда, Шарифбилло ҳожи ота 65 ёшда. Раънохон ая узоқ йиллар Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактабда мураббийлик қилган бўлсалар, ҳожи ота масъул вазифаларда хизмат қилганлар. 1999 йили Раънохон ая ва Шарифбилло ота Асадуллаевлар муборак ҳаж сафарига бориб, ўзларининг муҳим фарзларини адо қилганлар. Маърифатга тўлиқ ушбу хонадоннинг келинлари — Заримахон, Зулфияхонлар ҳам Шайхонтоҳур туманидаги 37-мактабда ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳа, ўша унутилмас куннинг оқшомида қизимга беминнат саховат кўрсатган Улуғбек акамнинг ота-оналарига чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман.

Мадинахоннинг дил сўзларини оққа кўчирувчи:

**Мухтор СУЛАЙМОНОВ.**

**СУРАТДА: меҳр-мурувватли хонадоннинг табаррук соҳиблари — Раънохон ая ва Шарифбилло ота Асадуллаевлар.**

## Ўрнак олса арзийди

**Икки йилдан буён ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» мусобақаларининг ғолиби бўлган Акмал Икромов туманидаги «Оқмачит» маҳалласи иш тажрибасидан ўрнак олса арзийди. Биз ушбу маҳаллага бориб азамат ўғлонлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишишга ҳаракат қилдик.**

— Маҳалламизда 2100 нафар фуқаро истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Саъдулла Иброҳимов. — Барчамиз бир ота-она фарзандидек, аҳил, ҳамжиҳат бўлиб, ҳар қандай муаммоларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Чунки маҳалла Ватан ичра Ватандир. Маҳалла кексалари ҳам доим иззатда. Энг асосийси маҳалла ёшларининг бўш вақтларини қизиқарли, мазмунли ўтказишлари, уларнинг спортга, айниқса футболга дўст ҳолда ўсишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб туришса, бошқа ножўя ишларга вақт ҳам қолмайди.

2000 йили маҳалланинг 13-15 ёшли ўспиринларидан футбол командаси тузилиб унга маҳалламизда яшовчи Зиёвуддин Низомиддинов мураббий этиб тайинланди. Мураббий ташаббуси ва самарали меҳнати эвазига ёш чарм тўп усталари 2000 йилда Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Футболимиз келажаги» мусобақаларида қойилмақом ўйин намойиш қилишиб биринчи ўринни эгалладилар. 2001 йили ҳам уларга тенг келадиган футбол командаси топилмади, яна биринчи ўрин финалга чиққунча «Оқмачит» командаси жиззахликларни 4:0, сирдарёликларни 4:1, Тошкент вилоятининг «Оққўрғон» командасини 7:0 ҳисобида ютиб, ўзларининг нимага қодир эканликларини намойиш этдилар.

Ёш футболчиларнинг футболга бўлган қизиқиши, астойдил меҳр билан тўп тепишига асосий сабабчи ҳомий ҳамда барча молиявий ишларни ўз зиммасида икки йилдан бери кўтариб келаётган маҳалламизда истиқомат қилувчи саховатли тадбиркор Баҳодир Муҳиддиновдир. Футбол формасидан бошлаб, барча анжомлар, ёш футболчиларнинг ички дунёси, уларнинг бошқа соҳалардаги қизиқишларига ҳам Баҳодир Муҳиддинов алоҳида аҳамият бермоқда.

Шунингдек, мураббий Зиёвуддин Низомиддинов алоҳида ҳурматга сазовор. Европа футболи тарбиясини олмаган бўлса ҳам оддий ўзбек ўқитувчисининг амалда нималарга қодир эканлигини республикамиздаги футбол ишқибозлари ва мутахассислари кўриб хурсанд бўлишди. Чунки ушбу мураббий ёш тарбияланувчиларнинг дадиллик билан тўп суришлари, коптокни бир-бирларига аниқ оширишлари, фақат ўзим бўлай демасдан ҳамжиҳатлик билан ўйин давомида бир-бирларини тушунишлари, ҳатто футбол мактабида ўқиётганлари ҳам лол қолдирди. Ёш футболчилардан жамоа сардори Баҳром Муҳиддинов, Асомиддин Низомиддинов, Шоҳруҳ Аҳмедов, Мардон Эшжонов, Жамшид Юнусовларнинг маҳоратлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Шуни таъкидлаш кераккки, «Оқмачит» жамоаси ўз майдонига эга бўлмасдан 123-мактабнинг чимсиз футбол майдончасида машқ ўтказиб тўп сурган бўлса-да шундай катта натижаларга эришди. Мутасаддилар болалар жамоасига молиявий ёрдам ҳамда футбол майдончасига эга бўлиш борасида кўмак кўрсатсалар эса нур устига аъло нур бўларди. Зеро, «Оқмачит» жамоаси келажакда ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақаларда ҳам қатнашиб, республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятидадир.

**Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ**

## Ҳашар — ҳаммага ярашар

**ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ**

Пойтахтимизда ўтказилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кузги кўчат экиш ойлигида Шайхонтоҳур тумани аҳолиси ҳам якдиллик билан иштирок этмоқда.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг бу борадаги қароридан сўнг биз ҳам «Ҳашар — ҳаммага ярашар» нақлига амал қилган ҳолда иш бошлаб юбордик, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Шомақсуд Шомансуров. — Амалга оширилиши лозим бўлган барча юмушларни 168 та ишчи-хизматчимиз ва ойликда фаол иштирок этаётган 13.000 дан ортиқ фуқаро билан ўз вақтида уддалаяпмиз. Ўтган кунлар мобайнида туманимизда жойлашган Шайхонтоҳур, Кайковус, Уйғур, Бирлик, жами 7 та канал чиқиндилардан тозаланиб, тўпланган чиқиндилар 125 та машина ёрдамида кетма-кет олиб кетилмоқда. Шунингдек дарахтларга шакл берилиб, тўпланган хазонлар белгиланган жойларга олиб кетилди. Ушбу кунларда туман ҳудудидаги Фурқат, Абай, генерал Узоқов, Усмон Юсупов, Ибн Сино, Абдулла Қодирий кўчаларида ҳам хазонлар йиғилиб, ариқлар тозаланди. Ҳар куни автотранспорт воситалари ушбу кўчалардаги хазон ва чиқиндиларни олиб кетишда фаол иштирок этмоқда.

Шунингдек, туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан хазонларни ёқмаслик ҳақида чиқарилган буйруқ ўз ижросини топиб тўпланган хазонлар машиналарга юкланиб компост қилиш учун жўнатилмоқда. Туманда жойлашган корхона ва ташкилотлар эса автотранспорт воситалари билан ёрдам беришмоқда.

Ойлик давомида туман ҳудудида 3.700 та дарахт ва 5000 та гул ўтқазиш режаланган. Айни кунларда ажратилган ҳудудларга кўчат ва гул кўчатлари ўтқазилмоқда.

Ободонлаштириш ойлигида ҳар қачонгидек корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллалар аҳли ҳам фаол иштирок этишмоқда. Улар ўзлари яшаётган ва хизмат қилаётган ҳудуд, маҳалла, кўча ва хиёбонларнинг саранжом-саришта бўлиши учун ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## Гувоҳномалар топширилди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топиши билан унинг таркибида Болалар ташкилоти ҳам вужудга келди. Ҳаракат низомида ушбу ташкилотнинг вазифаси 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг қалби ва онгига ҳаракатнинг асосий мақсад ва муддаоларини сингдириб бориш эканлиги кўрсатилган. Шу сабабдан шаҳримиздаги барча мактабларда Болалар ташкилотининг бўлимлари ташкил этилди. Бу бўлимларга шу ёшдаги фаол ўқувчилар сардор (вице-президент) этиб сайланди.

Яқинда пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 110-мактабда Болалар ташкилотининг тумандаги 20 та мактаб бўлимларига гувоҳномалар топшириш маросими бўлиб ўтди. Гувоҳномаларни шаҳар Болалар ташкилоти раиси Гулчеҳра Олимжонова ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман бўлими бошлиғи Абдусамад Ҳидоятовлар топширдилар. Шу билан бирга улар 110-мактаб қошида ташкил этилган «Лочин» болалар ташкилотининг фаолиятига бир йил тўлгани билан муборакбод этдилар.

**Мадамин БОЙМАТОВ**

## Эл дардига малҳам

...Ушбу кун Мактуманинг сира ёдидан чиқмайди. 4-синфда ўқиб юрган кезлари эди. Мактабдан қайтаётган дугоналари билан хайрлашиб, уйга одатдагидан сал кечроқ кириб келди. Ҳар доим уни «Яхши ўқиб келдингми, бугун неча баҳо олдинг» дея қарши оладиган онаси кўринмасди. Ҳовлиқиб, дадасидан «Қанилар, меҳрибоним?» дея сўради. Мирхалил ака вазмин, босиқ оҳангда: «Сал бетоб бўлиб қолди, шифохонага олиб бориб қўйдим, шифокорлар яхши қарашяпти», — дея жавоб қайтарди.

Кечки пайт дадаси билан кўргани боришди. Ойижонисининг юзкўзи бирмунча синиққан кўринди, чамаси унга. Шифокорлар гапига кўра инсульт хасталигига чалинибди.

Ойиси чамаси бир ой даволаниб, уйга қайтганда Мактума ўзига ўзи қатъий оҳангда «Катта бўлсам Худо хоҳласа албатта шифокор бўламан» дея аҳд қилди.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Аҳдига содиқ Мактума 1981 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 2-даволаш факультетини битирди. 1982 йили эса шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида ўпка касаллиги бўйича методист сифатида илк меҳнат фаолиятини бошлади. Бир йилдан кейин Собир Раҳимов туманидаги 4-оилавий поликлиникага ишга ўтиб даҳа шифокори сифатида меҳнат қила бошлади.

— Менга, «Қўштут», «Истиқлол» ва «Гузарбоши» маҳаллаларидаги 1900 аҳоли бириктирилган, — дейди Мактума. — Ҳафтада олти маҳал ишга бораман. Уч соат беморлар билан суҳбатлашиб, уларга керакли муолажаларни бергач даҳа бўйлаб беморлар олдига ошиқаман.

— Мен даҳа шифокоримиз Мактума Тўраҳўжаевани 10 йилдан бери яхши биламан, — дейди шифохона рўйхатхонасида ишловчи, тажрибали катта ҳамшира Латофат Иноятова. — Улар ўз ишларига сидқидилдан ёндошиб, маҳаллаларга бориб беморлар ҳолидан тез-тез хабар олиб турадилар. Мактума ҳозирги кунда меҳрибон она. Турмуш ўртоғи Йўлдошхўжа Тўраҳўжаев билан уч нафар фарзандни вояга етказишмоқда. Айни пайтда Бахтиёр 7, Нозима 5-синфда ўқимоқда. Ўғиллари Сардор боғчада тарбияланяпти.

**Файзулла ИСАЕВ**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

НОДИР

# ОЛТИНЧИ ГУЛШАН

(Охири).

Қаср остидан бир анҳор оқиб ўтарди. Аторуд билан париваш ҳар куни яланғоч бўлиб анҳорга тушиб чўмилардилар. Анҳорнинг суви булоқдек қайнаб оқар, иккови эса тинмай сув ўйнарди. Ўша куни ҳар иккови анҳор ичидалигида паривашнинг бир оёғидаги халхоли йўқолиб қолди. Мазкур анҳор бориб-бориб катта бир дарёга қуйиларди, дарё эса Хуршид мулкидан оқиб ўтарди.

Хуршид ўшал шаҳарга шоҳ бўлиб, халойиққа раҳнамо бўлди. У тахтга ўтиргач мазлумларга марҳамат кўргизиб, адолат билан ҳукмронлик қиларди. У шаҳарда балиқчилар кўп эди. Аммо, улар орасида бир балиқчи ҳаддан ташқари қашшоқ эди. У дарёга тўр солиб, жуда кўп балиқни тутди. У намозшомда манзилига келиб тутган балиқларини саралай бошлади. У балиқларни қорнини ёриб турганда бир балиқнинг қорнидан халхол тушиб, унинг шуъласидан қоронғу уй ёришиб кетди.

Балиқчи ушбу халхолни шоҳга пешкаш қилмоқ учун эрталаб шоҳ саройига равона бўлди. Балиқчи халхолни шоҳга пешкаш қилди. Хуршидшоҳ эса балиқчига кўп инъомлар бериб уйига жўнатди. Хуршид халхолни малика қўлига берди. Малика халхолни кўриб ҳайратга тушиб, паришонхотир бўлди. Малика Хуршидга нозу истиғно билан деди: икки оёққа икки халхол лозимдур, сен буни жуфтини сўроғлаб топ! Топиб берсанг мен сен билан ҳамхонаман, агар топмасанг сендан жудоман. Бу сўздан Хуршидни ваҳм босиб, барча аъёну ашрофни йиғиб, халхол воқеасини баён қилиб деди: агар кимки ушбу халхолнинг жуфтини топиб келтирса, хазинадан ададсиз жавоҳир берурман!

Шоҳнинг бу сўзи қулоқма-қулоқ лўлига ҳам бориб етди. Лўли ниҳоятда моҳир сеҳргар эди. У шоҳ ҳузурига келиб шу ерда хизмат қилишга ижозат олди. У қарға суратига кириб осмонга парвоз қилди. Халойиқ осмонга боқиб, унинг афсунларини томошо қилардилар. У афсун ўқиб баландроқ парвоз қиларди. Парвоз асносида атрофга назар солиб борарди. Баногоҳ унинг кўзига бир улуғ арк намоён бўлди. Фаросат билан фикр юритиб, арк томон эврилиб тушди. У ерда икки киши кучоқлашиб бехавотир ётардилар. Қарға улар олдига учиб бориб кўрдики биттасининг оёғида халхол бордир. Қарға ётганлар бошига бориб уч марта «ғоғ» деди-ю, паривашни ҳам ўзи каби қарғага айлантириб, маҳкам ушлаб осмонга парвоз қилди. Аторуд уйқудан уйғониб, кўрдики ёнида дилрабо ёри йўқдур. У дарҳол ўрнидан туриб ҳар томонга назар солиб кўраркан, тасодифан унинг кўзи осмонда ҳеч қаёққа қарамай шошиб учиб кетаётган икки қарғага тушди. Уларнинг бирини оёғида халхол бор эди. Аторуд дарҳол хосиятли дарахт баргидан бирини ўзига суртиб шаҳбоз шаклига кириб осмонга парвоз қилди ва уларга етиб олиб чанг солди. Шаҳбоз ҳар икки қарғани тутиб ерга қўнди. Дарахт баргини ҳар икки қарғага суртган эди, улар асл ҳолатларига қайтдилар. Уларнинг биттаси ўша ўғри лўли, яъни Аторуднинг устухонини ўғирлаб ютган эди. Шу боис Аторуд кўп балоларга гирифтор бўлиб, дарди бедавога учраганди. Аторуд лўлидан бу қилмишларининг сабабини сўраб, нима учун бу томонларга келиб, бу сеҳрни қилиб юрибсан — деб савол берди. Лўли ширин гуфторлик билан шаҳар шоҳининг халхол ҳақида чиқарган фармонини аввалидан охиригача баён қилди. Шундан сўнг Аторуд билдиким, шаҳар шоҳи ўзининг қадрдони, йўқотган дўсти — Хуршид экан.

Аторуд дарҳол дарахт баргини ҳаммаларига суртиб қуш қиёфасига киритди ва шаҳар томон елдек парвоз қилдилар. Улар шаҳарга етиб боришгач, яна баргни суртиб ўз асл ҳолларига келдилар. Аммо, Аторуд лўлига қайтадан барг суртиб, уни эшак шаклига киритиб, уни ҳарёнга судраб азоб берар ва бошига калтак билан уриб жароҳатлади. Бу ишни эшитган Хуршид дарҳол Аторудни ўз ҳузурига чорлаб деди, мабодо девона эмасмусан, ёки банги ваё маст эмасмусан? Бу қандай феълдурки сандан содир бўлди? Бу тилсиз жониворга нега бунчалик озор берурсан? Аторуд дарҳол таъзим қилиб ўрнидан туриб шоҳнинг қўлига халхолни тутқазди ва йиғлаб ўзини шоҳнинг оёғига ташлади. Хуршид ҳам Аторудни таниб, йиғлаб қучоғига олди. Ҳар иккови бир-бирини қўлини ушлашиб, бошдан ўтказган саргузаштларини бир-бир баён қилдилар.

Хуршид Аторуддан нима учун эшакни урганин сабабини сўради. Аторуд бўлиб ўтган барча воқеаларни баён қилди. Эшакка барг суртиб асл ҳолига келтирди. Бу ҳодисадан шоҳ ниҳоятда ҳайратга тушиб, лўлига боқди. Лўли ҳам неча сўзни изҳор қилиб, барча қилган ишларига тавба қилди. Улар худди Ҳулкар юлдузлар туркумидек йиғилиб, жаъм бўлиб бир-бирларига таҳсин ўқидилар. Аторуд билан Хуршид яна бир-бирлари билан топишиб, бахту иқболга ёр бўлдилар.

Аторуд бир куни Хуршидга деди: эй шаҳаншоҳ сенга букун бахт-давлат муяссар бўлмиш, аммо шоҳликда давлатнинг бақоси йўқ, умр гулзорининг ҳаргиз вафоси йўқ. Оталаримизнинг тириклигида уларни ҳузурига бориб зиёрат қилсак, ҳол аҳволларидан хабар олсак бундан саодатлироқ давлат бўлмас. Сенга отаонанг бебаҳо давлатингдур, оёғининг гарди кўзингга тўтиёдир. Агар ўлдирса ҳам рози бўлайлик, не бўлса бўлсин, олдида ўлайлик. Хуршид Аторуднинг сўзини қабул қилиб, бир неча кишиларни ўзига ҳамроҳ қилиб, ҳаммалари ўзларига баргни суртиб, қуш шаклига кириб Гулистон шаҳри томон парвоз қиладилар. Улар Гулистон шаҳрига етгач яна баргни ўзларига суртиб, инсон қиёфасига кирадилар. Шоҳ ҳузурига чопар бориб, Хуршиднинг келганидан хабар беради. Шоҳ севинчдан беҳуш бўлиб, бир оздан сўнг ўзига келиб, бағоят шоду ҳуррам бўлиб, хазина эшигини очиб кўп эҳсонлар қилади. Хуршид отаси ҳузурига пиёда келади. Шоҳнинг оталик муҳаббати жўшга кириб, Хуршидни отига миндириб, онаси ҳузурига олиб боради. Шоҳ ўғлининг бошидан жавоҳир сочиб, уни ўз ўрнига тахтга ўтқазади. Хуршид Аторуд билан бирга Гулистон шаҳрида адолат билан ҳукмронлик қилиб умр ўтказдилар.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**



*Шаҳримизнинг мафтункор кўчалари.*

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

# Ибн Синонинг тили қандай чиққан?

Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ 930 (ҳижрий 370) йилда Бухоро яқинидаги қишлоқда дунёга келган. Айтишларига қараганда, унинг тили «нимага» сўзи билан чиққан экан. У шу сўз билан умрининг сўнгги дақиқаларигача яшаб ўтган ва ҳар бир саволга аниқ, пишиқ-пухта жавоб топмагунча, орому осойиш топмаган.

Болалигидан ўзининг ғоятда зийраклиги ва кузатувчанлиги билан бошқалардан кескин ажралиб турган.

Кунлардан бир кун мактабдош дўстлари у билан ҳазиллашмоқчи бўлибдилар ва Абу Али ташқарига чиқиб кетганда гиламчасининг тагига бир парча қоғоз қўйиб қўйишибди. У қайтиб келиб гиламчасига ўтирибди-да, ҳайрон бўлганча, бир гиламга, бир шифтга қарабди. «Тушунолмаяпман, — дебди у ниҳоят, — шифт пастлабдими ёки ер кўтарилибдими, аммо деворларнинг баландлиги жуда ўзгарибди».

Бу албатта бир ўхшатма — метафора. Бироқ, бу унинг келгусидаги истеъдоди, юксак сезгирлик қобилияти, ўткир зеҳни ва улкан ақл-заковат соҳиби бўлиб етишувини ифодалайдиган мисоллардан биттаси, холос.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.**

# Сўранг, жавоб берамиз

***Мен Ўзбекистон Миллий университетининг механика ва математика факультетини, механика мутахассислиги бўйича тугатганман. Ҳозир менга педагог-ўқитувчи эмассан деб дарс беришмаяпти, шу тўғрими?***

*Б. Одилов*

Ҳа, тўғри. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида бу ҳақда — «Тегишли маълумотга ... эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга» дейилган. Бироқ сизнинг шу давргача мактабда математика ўқитувчиси етишмаганлиги сабаб математика фанидан дарс бериб келганингиз ҳисобга олинади, сиз математика фани бўйича малака ошириш институтида малака ошириб, сўнгра бу фандан дарс беришингиз мумкин.

* * *

***Мен банк соҳасига ишга кирмоқчи эдим. Банкнинг кадрлар бўлими турли хил ҳужжатларни сўраб овора қилмоқда. Айтингчи, бу тизимга ишга кириш учун қандай ҳужжатлар тақдим қилиниши керак?***

*С. Усмонов*

Ўзбекистон Республикаси банк тизими ходимларининг шахсий ҳисобини юритиш тўғрисидаги Низомнинг 2-банди, 21-қисмига асосан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.

1. Паспорт ёки унинг ўрнига ўтадиган ҳужжатлар (16 ёшга тўлмаган) туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома;
2. Меҳнат дафтарчаси;
3. Олдинги иш жойи ёки ўқиш жойидан тавсифнома;
4. Яшаш жойидан маълумотнома ва тавсифнома.
5. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан маълумотнома;
6. Ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматни ўташ учун чақирув гувоҳномаси;
7. Диплом (агар ўқиётган бўлса ўқув юртида ўқиётганлигини тасдиқловчи маълумотнома).
8. Сўровнома.
9. Таржимаи ҳол.
10. Ишга қабул қилиш тўғрисида ариза.
11. 2 та 4,5х6 ва яна 2 та 3х4 см ўлчамидаги фотосурат.

* * *

***Тўсатдан соғлиғим ёмонлашиб касалхонага тушиб қолдим. Айни вақтда пул керак бўлмоқда. Лекин ишхонага ойлик маошимни олиш учун ўзим бора олмайман. Бундай вақтда нима қилишим керак?***

*У. Бобоев*

Сиз маошингизни ишончли вакилингиз орқали олишингиз мумкин. Даволанаётган касалхона раҳбарига иш жойингиздан ойлик маошингизни олиш мақсадида сиз танлаган шахсга ваколат берилганлигини кўрсатувчи ишончномани тасдиқлаб бериши учун мурожаат қилишингиз керак. Ишонч-номада у берилган кун аниқ кўрсатилиши лозим, акс ҳолда у ҳақиқий ҳисобланмайди. Шунингдек, унда маошни олиш муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак. Агар ишончноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил давомида ўз кучини йўқотмайди.

* * *

***Янги сотиб олинган транспорт воситаларига миллий давлат рақами белгиси ва техник паспорт олиш қонун-қоидаларини тушунтириб берсангиз.***

*М. Исмоилов*

Бунинг учун янги транспорт воситасини сотиб олган шахснинг паспорти, автомашинани сотиб олганлиги тўғрисидаги ҳисоб маълумотномаси тақдим этилади, ариза тўлдирилади ва ахборот марказида ҳисобга қўйилади. Техник паспорт ва давлат рақам белгиси олиш учун кўрсатилган пул суммаси тўланиб тўлов чиптаси олинади.

* * *

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

# Бу ажиб дунё

## Характер овқатга боғлиқ...

Кишиларнинг қайси овқатни хуш кўришига қараб нафақат унинг мижозини ёки характерини, ҳатто уларнинг сиёсий қарашларини ҳам билса бўларкан. Польшалик билағонлар шуни ҳам ўрганиб чиқишибди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, нордон овқатни жон-дилидан яхши кўрадиганлар худбин бўлишаркан, ширинлик ва кондитер маҳсулотларни кўпам яхши кўрмайдиганлар романтик характердаги одамлар экан. Кимки тузли, тансиқ таомларга ўч бўлса, билингки, улар ижодий, меҳнатсевар ва фидокор кишилардир. Ва аксинча, бемаза овқатларни ўта хасис одамлар истеъмол қилишаркан.

## Кимнинг ишқи нимада?

Шоҳнинг ишқи қурбақага тушибди, деганларидек, финларнинг ишқи қаҳвада. Улар қаҳва истеъмол қилиш бўйича дунёда биринчи ўринда туришаркан, яъни киши бошига 15 килограммдан тўғри келади. Болгарлар эса шакарҳўр. Инглизлар конфетни севишади. Ўзимизни чойхўр халқмиз деб юрсак, ирландлар ҳам биздан қолишмас экан. Америкаликлар эса гўштни энг кўп истеъмол қилишади.

## Кутубхонада қалпоқ-кўзойнакда

Люксембургдаги Гревенмахер шаҳри фуқароси Петер Пауль Плюкфельдер коллекцияси жуда катталиги билан ажралиб туради. У турли катталикдаги узоқ ва яқинни кўрсатадиган 479 та турли кўзойнаклар йиққан. Петер айниқса, XVI асрда ишланган, қалпоққа ўрнатилган кўзойнаги билан фахрланади. Бу кўзойнак ўз даврида жуда қулай бўлган. Чунки бир вақтлар шаҳар ва дорилфунунлардаги йирик кутубхоналар деярли иситилмас ёки номигагина иситиларди. Худди шу сабабли XVI асрда кимдир бу қалпоқ-кўзойнакни ихтиро этган бўлса ажаб эмас. Бугунги кунда Петер бу кўзойнагини ва бошқаларини турли киностудияларга — тарихий фильмларни суратга олишда фойдаланиш учун бериб турибди.

## Магнитли сувнинг фойдаси

«Болгарплод» (Болгария давлати) қишлоқ хўжалиги бирлашмасининг тажрибаси бунга фойдали. Бирлашма мутахассисларининг таъкидлашларича, помидорлар магнит майдонидан ўтказилган сув билан суғорилгани маъқул. Шунда помидор ҳосили кўп ва сифати аъло бўлади.

Помидор меваси одатдагидан оғирроқ ва ундаги шакар, С ва бошқа дармондорилар кўпроқ бўлади. Бундан ташқари ўсиш даври 25 фоиз қисқариб, тез мевага киради.

## Сумка-телефон

Амстердамлик дизайнчилар аёллар учун совға ҳозирлашди. Улар тайёрлаган сўнгги модадаги сумканинг қимматли жиҳати унга телефон ўрнатилган. Омади чопган хотин-қизлар энди бемалол кўча-кўйда, ошхонада, ҳатто транспортда ҳам ўз дугоналари билан «сирлашиш» имконига эга бўлишади.

## Шарқ дурдоналари

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳар нарсанинг бир шарафи бор, яхшиликнинг шарафи уни тезроқ ижро қилишдадир.

● Қай вақтда ва нималар ҳақида сўзлашишни аввал ўйлаб, кейин сўзла.

● Гўзал муомала халқнинг муҳаббатини жалб этади.

● Алишер Навоий айтади:

**Ҳиммат агар бўлса Навоий сенга,**
**Бандадурур Ҳотами Тойи сенга.**

● Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат қилиб айтади:

— Эй ўғил, одамлар сўзга устомонликлари билан мақтансалар, сен сукутинг билан мақтан. Ҳар нарсанинг далили бор. Ақлинг далили — фикр, фикрнинг далили сукутдир.

● Афлотун ҳаким айтади:

— Ҳар ким давлати, мол-дунёси бор вақтда халққа шафқат, мурувват қилмаса, мабодо йўқчиликка тушиб қолганда, ҳеч ким унга шафқат назари билан қарамайди. Ҳиммати зўрнинг қиммати зўрдир.

● Арасту ҳаким айтади:

— Тўғриликда ўлиш — ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.

● Арасту ҳаким яна айтади:

— Улуғликка эришиш жуда қийин, аммо хасислик, пасткашликка тушиш жуда осондир.

● Суқрот ҳаким айтади:

— Кўнгилнинг икки офати бор. Бириси: ўтган ишга қайғуриш, иккинчиси, келгуси ишни ўйлаб ғам, алам чекишдир. Биринчисидан, одам кўп уйқучан бўлса, иккинчисидан уйқусизликка мубтало бўлади.

● Қадимги фозиллардан Асмаий айтади:

— Бир юз йигирма ёшга кирган бир кишини кўриб унга айтдим: «Узоқ умр кўришингизга сабаб нима?»

У киши:

— Ҳасад, кинчиликдан парҳез қилдим. Мана шу хислатим узоқ умр кўришимга сабабчи бўлди, — деб жавоб берди.

Байт:

**Гар десанг умримда ғамгин бўлмайин,**
**Қилма ҳеч кимга ҳасад ҳам тутма кин.**

ҲИКОЯТ. Бир киши бир оз пулга муҳтож бўлиб қолди, дўстидан ёрдам олиш мақсадида уйига келиб эшикни тақиллатди. Дўсти чиқиб у билан кўришди, уйга таклиф қилса ҳам у киши қабул қилмай:

— Дўстим, мени кечир, уйга таклифингни ҳозирча қабул этаолмайман, вақтим зиқ. Бир кишидан юз сўм қарздор эдим, бугун келиб пулини қистади. Қўлимда пул йўқ эди. Шунинг учун сенинг ҳузурингга келдим, ёрдам этарсан деб умид этаман, — деди.

Уй эгаси дарҳол ичкари уйига кириб юз сўм олиб чиқиб, дўстининг қўлига берди.

— Дўстим, бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, мендан яширма, қўлимдан келганча ёрдам беришга тайёрман, — деб дўстининг кўнглини кўтарди. Дўсти хурсанд бўлиб, у билан хайрлашиб уйига қайтди.

Уй эгаси дўсти қайтиб кетгандан кейин йиғлаб уйига кирди. Хотини: «Эрим кўп пул бериб юборганига пушаймон қилиб йиғлаётган бўлса керак», деб эрига:

— Бирор нарсани баҳона қилиб пул бермасдан қайтариб юборсангиз бўлмасмиди? Энди пушаймон қилиб йиғлайсиз, — деган эди, эри шундай жавоб берди:

— Йўқ, сен ўйлаганча эмас, дўстим пулга муҳтож бўлиб қолганини билмаганман. У келиб сўрамасдан олдин ўзим бориб «Дўстим, бирор нарсага муҳтожмисан, тортинма, айт», деб сўрашим керак эди. Ғафлатда қолганимга ачиниб йиғлайман.

Вафодор, ҳақиқий ва самимий дўст мана шундай бўлади.

Байт:

**Тут ул дўстингни сут устида қаймоқ,**
**Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.**

● Донишмандлар ҳикматни шундай таъриф қиладилар:

Ҳикмат — ҳар бир ишда тўғрини хатодан ажратиш ёки бир нарса ҳақида энг тўғри ҳукмни топиб чиқаришдир. Ҳикматни яхшироқ англаш учун унинг мана шу бир неча фазилатларини билиш лозимдир.

1. **Зеҳн поклиги** — исталган нарсани ўйлаб чиқаришга зеҳн чувалиб, нафснинг машаққатланмай тез ўйлаб чиқаришидир.

2. **Зийраклик** — ишнинг аввалидан охирига қадар зеҳннинг тез ҳаракатидир.

3. **Гўзал тасаввур** — бир нарсани англаб чиқаришда, унга дахли бўлмаган бошқа нарсани қориштирмасдан яхши англаш қувватидир.

4. **Осонлик билан ўрганиш** — ортиқ машаққатланмасдан исталган нарсани ўрганиш қувватидир.

5. **Ёдда сақлаш** — ўқиб англанган нарсани эсдан чиқармасдан ёдга олишдир.

6. **Эсга тушириш** — ёдга олинган нарсани исталган вақтда дарров эсга туширишдир.

Ахлоқ илми бўйича биз англайдиган ҳикмат шу саналган хулқ ва фазилатлар билан топилади. Ҳикмат эгаси бўлганлар «ҳаким» деб аталадилар.

Байт:

**Айла мустаҳкам ишингни, эй ўғул,**
**Ҳар нима ҳикмат эли дер қил қабул.**

ПОКЛАНИШ

# Рамазон — меҳр-мурувват ва мағфират ойи

**Юртимизга покланиш ва мурувват рамзи ҳисобланмиш рамазони шариф кириб келди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Бош имом хатиби Анвар қори Турсунов билан ушбу ойнинг савобу баракотлари хусусида суҳбатлашдик.**

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Алҳамдуллилоҳ вассалоту вассалому ало Расулиллаҳ. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, юртимизга яна рамазону муборак кириб келди. Бу улуғ савоблар бериладиган, баракотлар ёғиладиган, дуолар қабул қилинадиган шарофатли кунлардир. Шуниси қувонарлики, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ диний қадриятларимизга чуқур эҳтиром кўрсатилмоқда. Масжидларимизда хатми Қуръонлар, хонадонларимизда ифторликлар эмин-эркинликда, ниҳоятда файзу баракот билан ўтмоқда. Рамазон — муборак ой. Бу ойда инсон ўз нафсини тийиб, имтиҳондан ўтади. Ёмон ишлардан ижтиноб қилиниб, яхшилик ва савоб ишларида мусобақалашиладиган ой. Рўза тутишлик саҳардан шомгача емоқ, ичмоқ ва жимоъдан сақланиш бўлиши билан бирга тилимизни ғийбатдан, бўҳтон ва ёмон сўзлардан тийиш ҳамдир. Баъзи бир сабаблар билан аразлашиб юрган қариндош-уруғларимиз билан ярашиш, бева-бечораларга, етиму мискинларга хайру саховат қилишдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом «Кимки мана шундай эзгу амалларни бажарса рамазон ойидан онасидан янги туғилгандек покиза ҳолатда чиқади», деб марҳамат қилганлар.

Рамазон ойида эҳсонларимиз, ифторликларимизни кам таъминланган оилаларга, қаровчиси бўлмаган қарияларга, ногиронларга қилсак савоблардан баҳраманд бўлишимиз ва садақотни тўғри амалга оширган бўлиб, Аллоҳнинг олдида улуғ ажру мукофотларга эришамиз. Биз шуни қаттиқ таъкидлаб айтамизки, рўза тутиб, бироқ ўзини ёмон иллатлардан, фаҳш сўзлардан тиймаган, одамларга меҳру мурувват кўрсатмаган кишининг рамазон рўзасининг савобини ололмаслик хавфи бор. Шунинг учун фақатгина оч юриш билан эмас, балки ўзимизнинг қилаётган ибодатларимизни эзгу амаллар билан зийнатламоғимиз лозимдир.

Шундай муборак кунларда уламоларимиз, отахону онахонларимизнинг қилаётган дуоларининг баракотидан осмонимиз мусаффо бўлсин, юртимизга бу рамазон ойида янада Аллоҳнинг баракотлари зиёда бўлсин. Ҳаммамизга рамазони шариф муборак бўлсин.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**
**суҳбатлашди.**

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# БОШҚОТИРМА

Азиз оқшомхон! Изоҳлари баён этилган сўзлар шаклда «занжир» ҳолида ёзилади.

1. Тошкентнинг қадимий номи. 2. Геометрик жисм. 3. Европадаги кўмир ҳавзаси. 4. Ойнасиз дераза. 5. Сув ҳолати. 6. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамони. 7. Араб алифбосидаги ҳарф. 8. Шоҳмотдаги ҳолат. 9. Ҳўл мева. 10. Сутка қисми. 11. Азиз неъмат. 12. Миллий мусиқа асбоби. 13. Вақт ўлчови бирлиги. 14. Пардоз учун ишлатиладиган бўёқ. 15. Фасл. 16. Парранда. 17. Табиий бўшлиқ маскан. 18. Ҳинд эпоси қаҳрамони. 19. Ой номи. 20. Кишилар ва транспорт қатнови учун белгиланган ер бўлаги. 21. Тола олинадиган техника экини. 22. Металл идиш. 23. Жисмоний қувват. 24. Ҳисоблаш анжоми. 25. Отиш мусобақаси ўтказиладиган жой. 26. Миллат. 27. Чорва маҳсулоти. 28. Жуфтнинг акси. 29. Қанотли жонивор. 30. Шоҳмот донаси. 31. Мактуб. 32. Қаттиқ табиий жинс.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Хушбўй манзарали ўсимликдан тайёрланадиган шарбат — 13, 8, 7, 4, 6.

2. Америкалик таниқли ихтирочи — 10, 2, 5, 11, 4, 3.

3. Каъбани тавоф этиш билан амалга ошириладиган фарз — 9, 1, 12.

4. Қирғизистондаги шаҳар — 15, 14.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқичдаги сўзлар асосида таааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан буюк соҳибқирон Амир Темур меросига мансуб ҳикматли сўзни билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



## Газетанинг шу йил 9 ноябрь сонида берилган «Шоҳмот» бошқотирмасининг жавоблари:

**Энига:** 5. Фарзин. 6. Лернер. 13. Бикова. 14. Полгар.
**Бўйига:** 3. Гамбит. 4 Беккер. 10. Портиш. 11. Гутман.
**Диагонал бўйича:** 1. Геллер. 2. Менчик. 7. Бенини. 8. Бледов. 9. Алехин. 12. Дуранг. 15. Карпов. 16. Сальве.
**Муаммонома**
**Очқич сўзлар:** 1. Шоҳ. 2. Турнир. 3. Шатранж. 4. Ананд. 5. Ўйин. 6. Белтон. 7. Лаза 8. Чом.
**Ҳикмат:** Шоҳмот ўйинлар ичида шоҳ — ундан бўлингиз огоҳ.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Мирзо Улуғбек тумани, Югнакий мавзесида яшовчи С. Байжигитов уйига келса, эшиги бузилиб ётганини кўрибоқ, хонадонида ўғирлик содир этилганини сезди ва дарҳол милицияга сим қоқди. Тезда воқеа жойида ҳозир бўлган тезкор гуруҳ аъзолари жиноятчиларни аниқлаб топиш чораларини кўришга киришдилар. Маълум бўлишича, куппа-кундуз маҳал ўз режаларини амалга оширишга эришган кимсалар бирон жойда меҳнат қилишни хоҳламайдиган оғайнилар М. Л. ва Ш. Т. лар экан. Ана шу 300000 сўмлик бировнинг мол-мулкига кўз олайтириб, оқибатда, бошини эгиб, надомат чекиб қолган бу шоввозлар айбни ўзларидан бўлак кимдан қидиришсин энди?

* * *

● Шайҳонтоҳур тумани ИИБ ходимлари ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган А. Т. исмли шахснинг М. Абдусамидова хонадонининг йўлагидан электр ҳисоблагичини ўғирлаб кетганлигини аниқлагач, далилий ашё билан қўлга олдилар. Бу айни билаги куч-қудратга тўлган, навқирон йигитча энди кўзини ёшлаб, қилмишидан минг пушаймонда қоладиган бўлди.

* * *

● И. Краснобоева хонадонида ўғирлик содир этган яна бир электр ҳисоблагич «ишқибоз»ини Юнусобод туман ИИБ ходимлари далилий ашё билан тутишга муваффақ бўлдилар. У аввал судланган бўлса ҳам, ҳаётнинг мазмунини ҳамон тўғри англаб етмаган шу туман фуқароси А. Х. бўлиб чиқди. Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Жиноятга эса жазо муқаррардир.

* * *

● Ибн Сино мавзесида эса С. М. исмли йигит йўл чеккасида қаровсиз қолдирилган, фарғоналик Р. Қоратоевга тегишли «КАМАЗ» русумли автоуловдан фонарь, санитария карточкасини ўғирлаб кетган. Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноят ҳам очилди. Далилий ашёларни ўз қўли билан олиб келишга мажбур бўлган жиноятчининг қай ҳолатга тушиб қолганига энди ўзи ҳам ҳайрон бўлиб ўтирибди.

* * *

● Чилонзор туманида «Шошилинч тиббий ёрдам»га қарашли бинонинг «Қон-томир касалликлари» бўлимида шифокор А. С. га тегишли 27000 сўм миқдордаги пулларни номаълум шахс ўғирлаб кетган. Туман милицияси тезкор гуруҳининг кўрган тезкор чоралари натижасида ушбу ўғирликни содир этган, ҳеч қаерда ишламайдиган А. Д. далилий ашё билан ушланди. Бугун виждонининг қийналишига ўзи сабабчи бў шахс ҳам қонун олдида жавоб беради.

* * *

● Сирғали тумани ИИБга Дўстлик мавзесидаги «Фиджел» дўконида ўғрилик содир этилганлиги тўғрисида хабар тушди. Кўрилган чора-тадбирлардан сўнг бу жиноятга қўл урган А. О. исмли шахс далилий ашё, яъни «Такси» русумли автомагнитола билан ушланди. Ушбу ҳаракати оқибатини ўйлаб кўрмаган жиноятчи афсус - надоматлари бекордир.

* * *

● Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар ходимлари ҳушёрлиги туфайли бир оғуфуруш фаолиятига чек қўйилди. Илгари судланиб ҳам ҳамон тўғри йўл танламаган В. М. ёнидан топилган 1, 13 грамм героин моддаси учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

* * *

● Чилонзор туманида яшовчи К.О исмли кимса ҳам ўз хаёлий орзуларининг қандай оқибатга олиб келишини ҳеч ўйламаган кўринади. У туман милиция ходимлари томонидан ёнида 95, 0024 грамм героин моддаси билан қўлга олинди. Захри қотил балоси билан шуғулланмоқ нимани беришини жуда кеч тушунган жиноятчининг пушаймони фойдасиз.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Матбуот марказининг**
**жамоатчи мухбири**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган.
2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-3007. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6